

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil/Tar.21.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ

ИСМАТУЛЛАЕВА НАРГИЗА РАСУЛЖАНОВНА

ХИТОЙ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА ЛАКУНАЛАРНИНГ
ВОҚЕЛАНИШИ

10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира
тилшунослик ва таржимашунослик

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

УЎК: 81'25(510+575.1)

КБК: 81.2-7 И-81

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по филологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on philological sciences**

Исматуллаева Наргиза Расулжановна

Хитой ва ўзбек тилларида лакуналарнинг воқеланиши..... 3

Исматуллаева Наргиза Расулжановна

Проявление лакун в китайском и узбекском языках..... 23

Ismatullaeva Nargiza Rasuljanovna

The occurrence of lacunas in Chinese and Uzbek languages 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 48

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil/Tar.21.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ

ИСМАТУЛЛАЕВА НАРГИЗА РАСУЛЖАНОВНА

ХИТОЙ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА ЛАКУНАЛАРНИНГ
ВОҚЕЛАНИШИ

10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира
тилшунослик ва таржимашунослик

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.2.PhD/Fil857 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат шарқшунослик университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tsuos.uz) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Усманова Шоира Рустамовна
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Дадабоев Хамидулла Арипович
филология фанлари доктори, профессор

Каримов Акрамджан Абильевич
филология фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

ЎЗР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат шарқшунослик университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.Fil/Tar.21.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «___» _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100047, Тошкент, Шаҳрисабз кўчаси, 16-уй. Тел.: (99871) 233-45-21; факс: (99871) 233-52-24; e-mail: sharq_ilmiy@mail.ru)

Диссертация билан Тошкент давлат шарқшунослик университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100047, Тошкент, Шаҳрисабз кўчаси, 16-уй. Тел.: (99871) 233-45-21.)

Диссертация автореферати 2021 йил «___» _____ куни тарқатилди.

(2021 йил «___» _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси).

А.М. Маннонов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор

Р.А. Алимухамедов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, филол.ф.д.

Х.З. Алимова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, филол.ф.д., доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослигида ўтган асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб лакунарлик ҳодисасига эътиборнинг кучайиши тилшуносликда янги соҳалар, хусусан, лакунологиянинг жадал ривожланишига сабаб бўлмоқда. Сўнгги йилларда лакуна ва лакунарлик ҳодисаси лингвомаданиятшунослик, психоллингвистика, когнитив тилшунослик, маданиятлараро мулоқот ва амалий таржимачилик соҳаларининг предметига айланди.

Дунё тилшунослигида икки тилни қиёслаш орқали тил эгаларининг менталитети, миллий-маданий ўзига хосликларни ўрганиш лингвомаданий тадқиқотларнинг марказий муаммоларидан бири ҳисобланади. Лакуналарни бартараф этиш масаласини илмий ўрганиш эса мазкур тилларнинг лингвистик имкониятларини белгилаб беради. Шу маънода лакунарлик ҳодисаси тилшунос ва таржимашунослар томонидан чоғиштирма ҳамда лингвомаданий аспектларда когнитив хариталарда бўшлиқларнинг юзага келиши, уларнинг мулоқот жараёнида тўлдирилиши вamuқобилсиз лексика таржимаси усулларини очиб бериш масалалари доирасида тадқиқ қилинмоқда. Бугунги кунда жаҳон тилшунослигида лакунарлик муаммосини оламнинг лисоний манзараси масалалари билан боғлаган ҳолда тадқиқ этиш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Республикамызда сўнгги йилларда дунё мамлакатлари билан интеграциялашуви жараёнида кишилар ўртасидаги ўзаро мулоқотнинг миллий-маданий хусусиятлари, умумлисоний белгилари, маданиятлараро мулоқотда қўлланиладиган вербал ва новербал воситаларнинг ўзига хос жиҳатларини тадқиқ этиш хорижий тилларни ўрганишнинг муҳим ажралмас қисмига айланмоқда. «Айни пайтда дунёда илм-фан ва технологиялар шиддат билан ривожланиб, мамлакатимизнинг халқаро ҳамкорлик алоқалари тобора кенгаймоқда. Натижада ҳаётимизга четдан кўплаб янги тушунча, сўз ва иборалар кириб келмоқда. Глобаллашув шароитида миллий тилимизнинг софлигини сақлаш, унинг луғат бойлигини ошириш, турли соҳаларда замонавий атамаларнинг ўзбекча муқобилини яратиш, уларнинг бир хил қўлланишини таъминлаш долзарб вазифа бўлиб турибди»¹. Хитой ва ўзбек лингвомаданиятида намоён бўлаётган лакунарлик ҳодисаси маданиятлараро мулоқот, таржимачилик ва чет тилларини ўрганишда ҳам бир қатор мураккабликларни юзага келтираётгани ҳар икки тилни чоғиштириш ва лакунарликни аниқлаш асосида тадқиқ этишдек долзарб вазифаларни қўймоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2020 йил 20 октябрдаги ПФ-6084-сон «Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2020 йил 16 апрелдаги ПҚ-4680-сон «Шарқшунослик

¹Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганининг ўттиз йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи //Халқ сўзи, 2019 йил, 22 октябрь.

соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Лакунарлик ҳодисаси тилшунослик, лингвомаданиятшунослик, маданиятлараро мулоқот ва хорижий тилларни ўқитиш нуқтаи назаридан Ж.П.Вине, Ж.Дарбелне, К.Л.Хэйл, Л.Бентивогли, Э.Пианта, Р.Санкаравелаютан, Мэхди Ф.Ал-Ғаззолий, А.А.Аваделкарим, Т.Анохина, Ю.С.Степанов, Г.В.Бикова, Е.А.Эйнуллаева, О.В.Суханова, Тан Дзайси (譚載喜), Ванг Бингцин (王秉钦), Джоу Юйджунг (周玉忠), Чэн Сирунг (陈喜荣), Го Айсян (郭爱先), Дай Ли (戴莉) каби тадқиқотчиларнинг ишларида ўрганилган².

Е.А.Плеухова, Ю.Свиликайтэ, М.Д.Бекасов, Цин Дзяндунг (秦建栋), Дэнг Янлинг (邓艳玲), Чэн Суджэн (陈素珍) сингари олимлар лакунар бирлик ва лакуна тушунчаларини таржимашунослик доирасида ўрганиб, уларни таржима жараёнида баргараф этиш ва тўлдириш усулларини ишлаб чиққанлар³. Ўзбек тилшунослиги ва таржимашунослигида лакунарлик ҳодисаси Ш.Р.Усманованинг

²Vinay J.P., Darbelnet J. Stylistique comparee du francais et de l'anglais. – Paris, 1958; Hale K. Gaps in grammar and culture. Linguistics and Anthropology, 1975; Bentivogli L., Pianta E. Looking for lexical gaps. Proceedings of the Ninth EURALEX International Congress.– Berlin: Stuttgart, 2014; Sankarvelayuthan R. Lexical gaps in the vocabulary structure of a language. 2019. <https://www.researchgate.net/publication/330141511>; Mehdi F. al-Ghazalli. Lexical gaps in Arabic to English Translation // Al-Mustansiriya Journal of Arts. ISSN: 10860258. 2010; Awadelkarim A.A. The role of Lexical gaps and Neologisms in Language Learning: A Consciousness-raising Perspective // Journal of Humanity. Vol. 17. No.4. (2016); Anokhina T. The linguistic lacunicon: cognitive mapping in schemes and terms // Journal of Education Culture and Society No.1.2013; Anokhina T. Lacuna in terms of scholars: the brief overview. Філологічні трактати, Том 7.– № 1. – 2015; Степанов Ю.С. Французская стилистика (в сравнении русской). – М.: Едиториал УРСС, 2003; Быкова Г.В. Лакунарность как категория лексической системологии. – Благовещенск: БГПУ, 2003; Эйнуллаева Е.А. Лакуны в структуре языковой личности и их заполнение в межкультурной коммуникации (например английского и русского языков): Дисс. ... канд. филол. наук. – М., 2003; Суханова О.В. Лакунарность глагольной лексики: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Воронеж, 2012; 譚載喜. 翻译中的语义对比试析. 中国翻译 (1), 1982; 王秉钦. 文化翻译学. 天津: 南开大学出版社, 1995; 周玉忠. 英汉对译的不可译现象. 外语研究, 1991; 陈喜荣. 从功能语法语境理论看文化负载词的翻译. 四川外语学院学报, 1998; 郭爱先. 词汇空缺及其可译性. 解放军外语学报, 1998, 21 (5); 戴莉. 跨文化交际中英汉词汇的偶合和空缺现象. 牡丹江大学学报, 2008, 17 (2).

³Плеухова Е.А. Лексическая лакунарность и её отражение в переводе (на материале русского и испанского языков): Дис. ... канд. филол. наук. – М.: РГБ, 2005; Cvilikaitė Ju. Lexical gaps: resolution by functionality complete unit of translation. Darbai ir dienos // Deeds and Days 2006, nr. 45 [22]; Бекасов М.Д. Переводческий аспект лакунарности (на материале английского и русского языков): Дисс. ... канд. филол. наук. – М., 2012; 秦建栋. 英汉词汇空缺现象刍议. 苏州铁道师院学报, 1999, 16 (2); 邓艳玲. 语义空缺视角下的商务英语翻译研究. 济南职业学院学报, 2017, 第4期; 陈素珍. 浅议翻译中的文化空缺于词义冲突. 甘肃科技纵横, 2009 (第38卷) 第3期.

қатор ишларида тадқиқотга тортилган⁴. Лекин хитой ва ўзбек тилларида лакунарлик ҳодисаси чоғиштирма планда махсус тадқиқ этилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Мазкур диссертация Тошкент давлат шарқшунослик университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг «Шарқ мамлакатлари тилларини ўрганиш ва тилшуносликнинг назарий масалалари» ҳамда «Таржимашунослик, қиёсий тилшунослик ва лингвомаданиятшуносликнинг долзарб муаммолари» йўналишида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади хитой ва ўзбек тилларида лакуналарнинг юзага келиш омилларини аниқлаш, уларни таржима жараёнида тўлдириш ва бартараф этиш усулларини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

лакуна турларини аниқлаш, таснифлаш ва тизимлаштириш масаласини ойдинлаштириш;

хитой ва ўзбек тилларидаги лакуналарни мавзуй гуруҳларга ажратиш;

хитой ва ўзбек тилларидаги лакуналарнинг лингвомаданий омилни лакунарлик кўп намоён бўладиган лексик бирликлар ёрдамида аниқлаш;

таржима назариясида «лакуна» ва «реалия» тушунчаларининг лисоний, миллий-маданий ҳамда таржимада беришдаги тафовутларини очиб бериш;

таржимада лакуналарни тўлдириш ва бартараф этиш усулларини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўткир Ҳошимовнинг «Дунёнинг ишлари» асарининг хитой тилида, Мо Яннинг «Мусаллас мамлақати» асарининг ўзбек тилида таржималаридаги лакунар бирликлар танланган.

Тадқиқотнинг предметини хитой ва ўзбек тилларидаги лакуналарнинг турлари, лингвомаданий хусусиятлари ва уларни таржимада тўлдириш усуллари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мавзусини ёритишда тавсифлаш, таснифлаш, чоғиштирма, лингвокультурологик ҳамда статистик таҳлил усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

хитой ва ўзбек тилларида лакуналарнинг лексик, семантик ҳамда грамматик хусусиятлари, парадигматик жиҳатлари, нутқда вербал ифодасини топиши, ушбу тил бирликларининг асосан от, феъл, сифат, равиш сингари сўз туркумларига тегишлилиги далилланган;

хитой ва ўзбек тилларида лакунарлик ҳодисаси қариндошлик терминлари, соматизмлар ҳамда паралингвистик воситалар орқали юзага чиқиши асосланган;

хитой ва ўзбек тилларидаги лакуналарнинг лингвомаданий омили «қовурмоқ», «кийим-кечак», «вақт», «ранг» кабиларни ифодаловчи сўзлар воситасида кўпроқ намоён бўлиши аниқланган;

таржима назариясидаги «лакуна» ва «реалия» тушунчаларининг лисоний ҳамда миллий-маданий хусусиятларга кўра семантик, функционал чегаралари

⁴Usmanova Sh. Lingvokulturologiya (darslik). – Toshkent: TDO‘TAU, 2019; Tarjimaning lingvomadaniy aspektlari (darslik). – Toshkent: ToshDSH, 2017; Маданиятлараро мулоқотда лакуналарнинг ўрни / Лингвист. Илмий мақолалар тўплами. V. – Тошкент: «Akademnashr», 2013.

белгиланиб, ушбу бирликларнинг таржимада ифодаланишидаги шакл билан боғлиқ ташқи ва мазмун билан боғлиқ ички жиҳатлари очиб берилган;

хитой ва ўзбек тилларида лакуналарни тўлдириш ҳамда бартараф этишнинг трансформациявий ва контекстуал таржима усуллари орқали амалга ошиши далилланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

хитой ва ўзбек тилларида лакунарлик ходисаси тадқиқи натижасида чиқарилган хулосалар чоғиштира тилшунослик, лингвомаданиятшунослик, маданиятлараро мулоқот, когнитив тилшунослик ва таржимашунослик соҳаларини муҳим илмий маълумотлар билан тўлдириши асосланган;

муқобилсиз лексика бўйича тўпланган материаллар изоҳли, лингвомаданий ва таржимашунослик луғатларига материал ҳамда манба сифатида хизмат қилиши аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги муаммонинг аниқ қўйилиши, чиқарилган хулосаларнинг қатъийлиги, қўлланилган ёндашув, усул ва назарий маълумотларнинг ишончли манбалардан олингани, таҳлилга тортилган лисоний материалларнинг асослилиги, келтирилган таҳлил, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти диссертацияда лакунарлик, ва уларни таржимада тўлдириш усуллари, лакунарлик ва реалия билан боғлиқ қарашлардан қиёсий тилшунослик, таржимашунослик, лингвомаданиятшунослик, маданиятлараро мулоқот ва этнолингвистиканинг тараққий этишида, уни илмий-назарий тавсиялар билан бойитишда муҳим манба вазифасини ўташи билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти тадқиқот материалларидан «Қиёсий тилшунослик», «Лингвокультурология», «Маданиятлараро мулоқот», «Таржиманинг лингвомаданий аспекти», «Таржима амалиёти» фанлари ҳамда «Таржимоннинг бадиий маҳорати», «Ўрганилаётган тил лексикологияси» каби махсус курсларни ўқитишда; мазкур фанлар бўйича дарсликлар, ўқув-услубий қўлланмалар, илмий рисоалар яратишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Хитой ва ўзбек тилларидаги лакуналарнинг воқеланиши бўйича тадқиқот юзасидан олинган илмий натижалар ва амалий таклифлар асосида:

хитой ва ўзбек тилларидаги лакуналарнинг таҳлили, таснифи ва уларни таржимада бартараф этиш муаммоларига оид натижалардан А 1-180 «Таржима ва маданиятлараро мулоқот масалаларига оид ўқув қўлланмалари яратиш» мавзусидаги лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 7 декабрдаги 89-03-5133-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг татбиқи лакуналарнинг тилшунослик ва таржимашунослик соҳаларидаги талқини, уларнинг типологик таснифи, лакунарликни таржимада бартараф этиш масалаларини ойдинлаштиришга ёрдам берган;

хитой ва ўзбек тилларида лақуналарнинг таснифи, уларни аниқлаш методлари, айрим мавзуий гуруҳларда лақуналарнинг ифодаланишига оид тадқиқот натижаларидан Хитой Халқ Республикаси Пекин Марказий миллатлар университети Академик тадқиқотлар бўлими лойиҳалари бўйича 10301-202000205 «Масофавий таълимни ташкиллаштириш ва ислоҳ қилиш» мавзусидаги лойиҳада фойдаланилган (Хитой Халқ Республикаси Пекин Марказий миллатлар университети 2020 йил 6 июндаги 10301-сон маълумотномаси). Олинган натижалар Хитой Халқ Республикаси Пекин Марказий миллатлар университети (Minzu university of China)да ўзбек тили ва маданияти бўйича илмий тадқиқотлар олиб боришда ҳамда хитойликлар учун «Ўзбек тили» дарслиги тайёрлашга хизмат қилган;

хитой ва ўзбек лингвомаданиятларида лақуна ва реалияларни аниқлаш, уларни таржимада тўлдириш усуллари билан боғлиқ хулосалардан Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари кўмитасида ўтказилган «Жаҳон информацион цивилизацияси шаклланиш жараёнида Ўзбекистонда тиллар ривожланиши истиқболлари» мавзусидаги илмий семинар материалларини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари кўмитасининг 2019 йил 11 сентябрдаги 01-13-1538-сон маълумотномаси). Натижада, таржима жараёнида лақуна ҳамда реалияларни тўлдиришда турлича таржима усулларида фойдаланишни ойдинлаштиришга ёрдам берган;

хитой ва ўзбек тилларида лақуналарнинг воқеланиши, лақуналар кўп аниқланган мавзуий гуруҳлар ҳамда уларни таржимада тўлдириш усуллари хусусидаги натижалардан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «O‘zbekiston» телерадиоканалида «Маданий-маърифий ва бадиий эшиттиришлар» муҳарририяти томонидан тайёрланган «Бедорлик», «Таълим ва тараққиёт», «Адабий жараён» туркум радиоэшиттиришлари сценарийларини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «O‘zbekiston» телерадиоканали ДУКнинг 2020 йил 3 декабрдаги 04-25-1216-сон маълумотномаси). Олинган натижалар татбиқи эфирга узатилган эшиттиришнинг илмий далилларга бой ва илмий-оммабоп бўлишини таъминлаган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 15 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманида маъруза шаклида баён қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 30 та илмий иш нашр этилган. Шундан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация комиссиясининг докторлик диссертацияларининг асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола (6 таси республика, 4 таси хорижий журналларда) эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч асосий боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан ташкил топган бўлиб, умумий ҳажми 145 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, диссертациянинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Лакуналар лингвистик тадқиқининг назарий-методологик асослари**» деб номланган 1-бобида лакунарлик ҳодисасининг ўрганилиши, лакуналарнинг типологик таснифи ҳамда тиллараро лексик лакуналарни аниқлаш методлари тадқиқ қилинган.

Тилшуносликда лакунарлик ҳодисасини бевосита ўрганиш XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб жадал ривожланди. «Лакуна» термини илк бор канадалик тилшунослар Ж.П.Вине ва Ж.Дарбелнелар томонидан илмий муомалага киритилди. Улар ушбу ҳодисани «Бир тилдаги сўз бошқа тилда муқобилини топа олмаган ўринларда ҳар доим лакуна ҳодисаси юзага келади» деб изоҳлашган⁵. Л.Бентивогли, Э.Пианта⁶, Р.Санкаравелаютан⁷ лар лакунарликни тилда лексемалаштирилмаган сўзга иккинчи тилда сўз бирикмасининг мувофиқ келиши деб тушунтиришган. Бизнингча, ҳар доим ҳам бирор тилда сўз билан ифодалаб бўлмайдиган ҳар қандай тушунчани сўз бирикмаси орқали бериб бўлмайди, чунончи, лакунарликни юзага келтирувчи тушунчалар турли воситалар ёрдамида ифодаланиши мумкин.

Рус тилшунослари Г.В.Бикова ва О.Б.Пилаева ҳозирги кунда лакуналарнинг етарлича ўрганилмаганлиги, тилшуносликда мазкур ҳодиса борасида ягона қарашнинг мавжуд эмаслигини таъкидлайдилар⁸. Лакунарлик ҳодисасининг воқелантирувчиси бўлган *лакунар бирлик* ва *лакуна* тушунчаларини чегаралаб олиш таҳлилда чалкашликка йўл қўймасликка имкон беради.

Тилшунос Л.К.Байрамованинг таърифича, *тиллараро лакунар бирлик* бу бошқа тилларда бўшлиқ, оралик жойга эга бўлган, яъни лакунар бирликнинг ноль коррелятига эга тушунчадир. Лакунар бирлик бир тилга хос (шартли равишда А тил), лакуна эса бошқа тил (шартли равишда Б тил)га хосдир. Демак, лакунарлик бу (А тилдаги) лакунар бирликлар ва (Б тилдаги) лакуналардан таркиб топган категориядир⁹.

Лакунанинг асосий белгилари сифатида «моддий мужассамлашмаганлик», «синтактик даражада объектив воқеланганлик», «виртуал лексик

⁵Usmanova Sh. Lingvokulturologiya (darslik). – Toshkent: TDO‘TAU, 2019. – B. 129.

⁶Bentivogli, L., Pianta, E. Looking for lexical gaps. Proceedings of the Ninth EURALEX International Congress. – Berlin: Stuttgart, 2014.

⁷ Sankaravelayuthan R. Lexical gaps in the vocabulary structure of a language. 2019, <https://www.researchgate.net/publication/330141511>

⁸Быкова Г.В., Пылаева О.Б. Словарь «несуществующих слов» фантастика или реальность? //Лакуны в языке и речи: Сборник научных трудов. – Благовещенск: Изд-во БГПУ, 2003. – С. 21.

⁹Байрамова Л.К. Лингвистические лакунарные единицы и лакуны//Вестник Челябинского государственного университета, 2011. – №25 (240). – С. 22.

моҳиятлилик»ни кўрсатиш мумкин. Лакуналарни аниқлаш ва уларни бартараф этиш масалаларини ўрганишда, асосан, мазкур хусусиятлар кузатилди.

Лакуналарни ифодалашда лакунанинг қайси тил фониди воқеланаётганига диққат қаратиш керак¹⁰. Масалан, хитойча-ўзбекча лакуна – ўзбек тили фониди воқеланувчи хитой тилидаги лакунадир: 遭受破坏的状况 *zāoshòu pòhuài de zhuàngkuàng* – абгорлик. Ўзбекча-хитойча лакуна эса, аксинча, хитой тили фониди намоён бўлувчи ўзбекча лакуна ҳисобланади: *иш билан машғул бўлиб, тунни бедор ўтказмоқ* – 熬夜 *áoyè*.

Хитой тилшунослигида лакунарлик ҳодисаси Дэнг Янлинг (邓艳玲 *Dèng Yànlíng*)¹¹, Тан Зайси (谭载喜 *Tán Zàixǐ*)¹², Ванг Бингцин (王秉钦 *Wáng Bǐngqīn*)¹³, Чэн Сирунг (陈喜荣 *Chén Xǐróng*)¹⁴, Го Айсян (郭爱先 *Guō Àixiān*)¹⁵ сингари олимлар томонидан ўрганилган. Хитой тилида лакунарлик ҳодисасини ифодалаш учун «词汇空缺» *cíhuì kòngquē* («лексик кемтиклик»), «词汇空白» *cíhuì kòngbái* («лексик бўшлиқ»), «词汇空位» *cíhuì kòngwèi* («лексик очик жой»), «词汇矛盾» *cíhuì máodùn* («лексик зиддият») терминлари қўлланилади. Бизнингча, хитой тилидаги «词汇空白» *cíhuì kòngbái* термини лакунанинг моҳиятини тўлиқ очиб бера олади. Зеро, «空缺» *kòngquē* сўзи «етишмовчилик», «кемтиклик»ни, «空白» *kòngbái* сўзи эса «бўшлиқ»ни англатади.

Номлари келтирилган хитойлик тилшуносларнинг ишларидан лакунарлик ҳодисасининг лингвомаданиятшунослик объекти деб қабул қилингани, миллий хосланган сўзларнинг лакунар бирликлар сифатида ўрганилганлиги аён бўлади. Бу ўринда биз уларнинг фикрига қўшила олмаймиз. Бинобарин, лакуна ва миллий хосланган сўзлар фарқли тушунчалардир, уларни ўрганишда турли методлардан фойдаланилади.

Лакунарлик ҳодисаси, айниқса, икки тилли ва кўп тилли луғатларни тузишда кўп кузатилади. Ўз муқобилига эга бўлмаган сўз иккинчи тилда изоҳ бериш ёки мазмунан мос бирикмаларини келтириш йўли билан берилади. Шунини таъкидлаш жоизки, икки тилни қиёслаш билангина лакунарлик ҳодисасини тўлиқ ўрганиб, у ёки бу тилнинг луғат бойлиги борасида тўғри хулосага келиб бўлмайди. Чунки муайян тушунчага ном бериш тилга таъсир этадиган лингвистик ва экстралингвистик омилларга боғлиқ бўлади. Мисол тариқасида хитой тили фониди ўзбекча лакунарликни намоён қилувчи *сенсирмоқ*, *сизламоқ* сўзларини олсак, ўзбек тилининг сўз ясалиши қоидаларига кўра «сен» олмошига *-сир*, *-моқ* қўшимчаларини қўшиш билан *сенсирмоқ* сўзи ясалган. Хитой тили ихоталанганлик хусусиятига эга бўлганлиги боис қайд этилган сўзларни бундай усулда ясаб бўлмайди.

¹⁰Стернин И.А., Попова З.Д., Стернина М.А. Лакуна и концепты. //Лакуны в языке и речи: Сборник научных трудов/ – Благовещенск: Изд-во БГПУ, 2003. – С. 212.

¹¹邓艳玲. 语义空缺视角下的商务英语翻译研究. 济南职业学院学报, 2017, 第4期.

¹²谭载喜. 翻译中的语义对比试析. 中国翻译 (1), 1982.

¹³王秉钦. 文化翻译学. 天津: 南开大学出版社, 1995.

¹⁴陈喜荣. 从功能语法语境理论看文化负载词的翻译. 四川外语学院学报, 1998.

¹⁵郭爱先. 词汇空缺及其可译性. 解放军外语学报, 1998, 21 (5).

Кўринадикки, *сенсирамоқ* феъли хитой тилида лакунарликни юзага келтиради. Мазкур сўзни хитой тилида 叫«你» *jiào «nǐ»*, 称«你» *chēng «nǐ»* – «сен» деб атамоқ тарзида бериш мумкин.

Куйида келтирилган ҳодиса ва предметлар ўзбек концептосферасида мавжуд бўлса-да, ўзбек тилида уларнинг номи мавжуд эмаслиги кузатилди. Масалан, 熬夜 *áoyè* – иш билан машғул бўлиб тунни бедор ўтказмоқ, 擦澡 *cāzǎo* – нам сочиқ билан артинмоқ, 胳膊 *gēbo* – кўлнинг елкадан панжагача бўлган қисми, 嫂子 *sǎozi* – аканинг хотини (келинойи), 叔母 *shūmǔ* – кичик амакининг хотини (келинойи) ва ҳ.к.

Аксинча, хитой халқи турмуш тарзи ва тафаккурида учрайдиган, лекин бир сўз билан лексемалаштирилмаган тушунчаларга куйидаги мисолларни келтириш мумкин: лакуна – 词汇空白 *cíhuì kòngbái* (лексик бўшлиқ), овсин – 丈夫的兄弟的妻子 *zhàngfū de xiōngdì de qīzi* (эрнинг акаси ёки укасининг хотини) (мурожаатда 姐姐 *jiějie* (опа), 弟妹 *dìmèi* (сингил), газанда – 刺痛动物的通用名称 *cìtòng dòngwù de tōngyòng míngchēng* (чақадиган жониворларнинг умумий номи), ҳақкаламоқ – 单腿跳跳 *dān tuǐ tiào tiào* (бир оёқда сакраб юрмоқ). Мазкур сўзлар икки тилли луғатларда муайян муқобилини топмаганлиги сабабли уларни тасвирий усулда таржима қилиш мумкин.

Жаҳон тилшунослигида лакуналарни таснифлаш масаласида ҳам турлича қарашлар мавжуд. Хусусан, Ю.С.Степанов лакуналарни мутлақ ва нисбий лакуналарга ажратади¹⁶. Н.Л.Глазачёв хитой ва рус тилларидаги лакуналарни аниқлашга бағишланган ишларида тиллараро лакуналарнинг лексик, этнографик ва интермаданий кўринишларини ажратиб кўрсатади¹⁷. Лакунанинг бир қадар батафсил таснифи Г.В.Быкова¹⁸, И.А.Стернин, З.Д.Попова ва М.А.Стернина¹⁹ларнинг ишларида кузатилади.

Бизнинг тадқиқотимизда лакуналарнинг куйидаги хусусиятлари ва турлари аниқланди:

– лингвистик хусусиятига кўра: лексик, семантик, грамматик, фразеологик лакуналар;

– вербаллашувига кўра: вербал ва новербал лакуналар;

– тилда мавжудлиги ва такрорийлигига кўра: мутлақ ва нисбий лакуналар;

– мавҳумлилик даражасига кўра: предметли ва мавҳум лакуналар;

– парадигматик хусусиятига кўра: синфий ва тур лакуналари;

– тизимли равишда тилга тегишлилигига кўра: тиллараро лакуналар ва тил ичида вокеланувчи лакуналар;

– туркумлик белгисига кўра: от, феъл, равиш ва бошқа сўз туркумларига оид лакуналар.

¹⁶Степанов Ю.С. Французская стилистика (в сравнении с русской). – М.: Едиториал УРСС, 2003. – С. 120-121.

¹⁷Глазачев Н.Л. Ещё раз о типологии межъязыковых лакун (на материале китайского и русского языков) //Лакуны в языке и речи: Сборник научных трудов. – Благовещенск: Изд-во БГПУ, 2003. – С. 29.

¹⁸Быкова Г.В. Лакунарность как категория лексической системологии. – Благовещенск: БГПУ, 2003.

¹⁹Стернин И.А., Попова З.Д., Стернина М.А. Лакуна и концепты //Лакуны в языке и речи: Сборник научных трудов. – Благовещенск: Изд-во БГПУ, 2003. – С. 212.

Лакуналарни аниқлаш масалаларида ҳали етарлича тадқиқотлар олиб борилмагани айтилди. Ю.Свиликайте²⁰, И.А.Стернин, З.Д.Попова, М.А.Стернина²¹ ларнинг ишларида айрим маълумотларни учратиш мумкин. Лакуналарнинг батафсил тадқиқини Г.В.Бикова²²нинг ишида кўриш мумкин. Биз тадқиқотимизда кўпроқ Г.В.Бикова таснифига таянишни маъқул кўрдик.

А.Семенасга кўра, ҳозирги хитой тилида битта шаклга жипс боғланган бир маъноли сўзларнинг миқдори кўп²³. Бир халқ тилига қабул қилинган янги сўз бошқа халқ лингвомаданиятига кирмаслиги мумкин. Мана шу ҳолатда ҳам лакунарлик ҳодисаси юзага келади. Бу борада А.Аваделкарим лакуна ва неологизмлар масаласини биргаликда ўрганишни тавсия қилади. Унинг фикрича, сўзловчилар моҳиятан икки хил гуруҳларни фарқлаш қобилиятига эга ва тафаккуримиз имкони бор ва имконсиз сўзлардан ташкил топган ўз «хаёлий луғат»ига эга. Лекин тилнинг табиати ва қоидаларидан келиб чиқиб, луғатимизга янги сўзлар қўшилиб боради²⁴. Демак, тафаккуримиздаги айрим тушунчаларнинг ўз номинатив бирликларига эга бўлиши неологизмларнинг яратилишига хизмат қилади. Масалан, 待业 *dàiyè* сўзи меҳнат биржаларида вакант жойни кутаётган шахсга нисбатан ишлатилади. Бу сўз меҳнат биржаси пайдо бўлганидан сўнг неологизм сифатида ясалган ва истемолга киритилган. 待业 *dàiyè* сўзи ўзбек тилида сўз ёки сўз бирикмаси шаклида лексик ифодасини топмаганлиги сабабли хитой тили фонида лакуна ҳисобланади.

Хитой ва ўзбек тилларидаги лексик сатҳ бирликларини моносемантик ва полисемантик лексика доирасида чоғиштириш мумкин. Мазкур тилларда аниқланган моносемантик лакунар бирликлар янги сўз яшаш жараёнини ўрганишга хизмат қилади. Полисемия қиёсида эса функция ва маъно жиҳатдан бир-бирига яқин семалар ичидаги лакунарлик аниқланади.

Тиллар қиёсида грамматик лакуналарнинг воқеланиш муаммоси жуда кам ўрганилган. Хитой ва ўзбек тилларини чоғиштиришда, бир тилдаги муайян грамматик категориянинг иккинчи тилда мавжуд бўлмаслиги, лекин ана шу грамматик вазифани бошқа тил категорияси бажариши ҳам лакунарлик ҳодисасининг намоён бўлишига сабаб бўлади.

Лакуналарни аниқлашнинг тарихий-қиёсий методидан диахронияда концептни номлаш усуллари таққослашда фойдаланилади. Стилистик-парадигматик метод тил ости тизими лексикаси лакуналарини қўлланиши чегараланган лексика билан қиёслашда ишлатилади. Бу метод асосида истемол доираси чегараланган лексика қиёсий таҳлилга тортилади.

²⁰ Cvilikaitė J. Lexical gaps: resolution by functionality complete units of translation. *Darbaiirdienos / DeedsandDays* 2006. №45 [22].– P. 127-142.

²¹Стернин И.А., Попова З.Д., Стернина М.А. Лакуна и концепты / Лакуны в языке и речи: Сборник научных трудов. – Благовещенск: Изд-во БГПУ, 2003.

²²Бикова Г.В. Лакунарность как категория лексической системологии. – Благовещенск: БГПУ, 2003.

²³Семенас А.Л. Лексика китайского языка. – М.: Восток-Запад, 2005. – С. 177–178.

²⁴Awadelkarim A.A. The role of Lexical gaps and Neologisms in Language Learning: A Consciousness-raising Perspective// *Journal of Humanity*, 2016. Vol. 17. – No.4. – P. 34.

Диссертациянинг 2-боби «Хитой ва ўзбек тилларида лақуналарнинг мавзуй гуруҳлари» деб номланган бўлиб, унда қариндошлик терминлари, соматизмлар ҳамда паралингвистик воситаларда лақуналарнинг намоён бўлиши ўрганилган.

Дунё тилларининг барчаси ўзига хос қариндошлик терминлари тизимига эга. Кишилар ўртасидаги ўзаро ришталар қадимдан мавжуд бўлиб, улар турли номлар билан атаб келинган. Қавм-қариндошлик сўзларининг ижтимоий-лисоний воқеланиши ибтидоий жамиятдан бошланган ва тадрижий равишда қондошлик ришталарига кўра фарқланиб борган. Бунинг натижасида қариндошлик терминлари миқдор жиҳатдан кўпайиб, уларнинг қўлланиш доираси кенгайган. Тилнинг ички ифода имкониятлари, шунингдек, шева-лаҳжа ҳисобига қариндошлик сўзлари синонимия юзага келган.

Хитой ва ўзбек тилларини чоғиштириш асносида лақуналик ҳодисасининг қавм-қариндошлик терминлари орасида кўп учраши кузатилади. Бинобарин, хитой тилида қавм-қариндошлик сўзлари ва улар билан боғлиқ мурожаат шакллариининг ўзбек тилига нисбатан анча кўплигини кўриш мумкин. Хитой тилида қариндошликни ифодаловчи сўзлар ўзига хос характерга эга ва улар ўзбек тилида муайян лақуналарнинг воқеланишига сабаб бўлади.

Қавм-қариндошлик номларида юзага чиқадиган лақуналарни қуйидагича таснифлаш мумкин: 1) оила аъзолари номларидаги лақуналар; 2) яқин қариндошлар номларидаги лақуналар; 3) никоҳдан кейин пайдо бўладиган номлардаги лақуналар.

Хитой тилида қавм-қариндошлик терминлари мурожаат сўзи сифатида қўлланганда *камтарликни ифодалаши* (谦称 *qiānchēng*) ва *ҳурматни ифодалаши* (尊称 *zūnchēng*)га кўра фарқланади. Камтарликни ифодаловчи мурожаат сўзлари деганда, бошқа бир киши билан мулоқотда ўзи ёки оила аъзоларини камтарлик билан номлаш тушунилади. Ҳурмат билдирувчи мурожаат сўзлари эса суҳбат жараёнида суҳбатдошнинг оила аъзоларини ҳурмат билан тилга олишда ишлатилади²⁵.

Ўз навбатида, ўзбек тилидаги *қайнона* сўзининг хитой тилидаги қуйидаги лақуна шакллари кузатилади:

- а) хотинининг онаси – 岳母 *yuèmǔ*, 丈母 [娘] *zhàngmǔ [niáng]*;
- б) эрнинг онаси – 婆婆 *pópo*, 婆母 *pómǔ*;
- в) эрнинг вафот этган онаси – 先姑 *xiāngū*.

Хитой тилида қариндошлик номлари 面称 *miànchēng* шахсий мурожаат сўзлари ва 背称 *bèichēng* расмий мурожаат сўзларига фарқланади²⁶.

Ўзбек сўзлашув нутқида ҳам қайнонага нисбатан кўпинча *ойижон* шакли ишлатилади.

您要做个婆婆却容易；二弟尽可于结婚之后再出国。(冰心。关于女人, 43)
Nín yào zuò gè pópó què róngyì; èr dì jǐn kě yú jiéhūn zhīhòu zài chūguó.

²⁵现代汉语词典(第5版)。—北京:商务印书馆,2005。第1086,1824页。

²⁶现代汉语词典(第5版)。—北京:商务印书馆,2005。第59,945页。

Сиз-ку қайнона бўлаверасиз, иккинчи укам имкон қадар уйланганидан сўнги хорижга кетади.

Мазкур гапда келиннинг қайнонага нисбатан шахсий мурожаати бўлмаганлиги сабабли расмий мурожаат шакли танланган.

Ўзбек тили фонида намоён бўлувчи хитойча лакуналардан бири бу қуда қариндошлик сўзидир. И. Тўхтасинов ўз ишида ўзбек тилидаги қуда сўзи инглиз тилида мавжуд бўлмаганлиги сабабли транскрипция орқали *quda* шаклида ёки мос келувчи вариантлар орқали бериш²⁷ мумкинлигини айтади. Хитой тилида ҳам қуда сўзининг муқобили мавжуд эмас. Хитой тилининг бўғинлилик хусусияти ушбу сўзни транскрипция усулида таржима қилиш имконини бермайди. Бу ўринда семантик таржима қилиш усулидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Масалан, 女婿或者儿媳妇儿的父母和亲戚 *nǚxù huòzhě érxiǔfù de fùtǔ hé qīnqī*, яъни *куёв ёки келиннинг ота-онаси ва қариндошлари*.

Тилда инсон омилини ўрганиш мавзуси сўнги йилларда тилшуносликда долзарблашмоқда. Лингвистик аспектда «инсон» тушунчаси билан чамбарчас боғлиқ бўлган концептлар, семантик майдонлар, терминлар тизими ва бошқалар тадқиқот объекти сифатида етакчи ўринларни эгалламоқда. Бинобарин, тиллар қиёсида лакуналар вокеланишининг «тушунча мавжуд, лекин бу тушунча лексикалашмаган» тамойили айнан соматик лексикада фаол кузатилади. Чунончи, ҳудудлар, миллатлар, тиллар, маданиятлар ўртасида тафовутлар мавжуд бўлса-да, инсоннинг физиологик тузилиши унинг миллатидан қатъи назар бир хилдир. Бироқ одам тана аъзоларининг турли тилларда ҳар хил номланиши ёки умуман номланмаслиги муайян халқ тилида сомаларнинг қўлланиш даражаси билан боғлиқ бўлади. Диссертациянинг мазкур бўлимида 64 та соматизм таҳлилга тортилиб, ўзбек тили фонида 8 та хитойча лакуна, хитой тили фонида 11 та ўзбекча лакуна аниқланди.

Хитой ва ўзбек тилларининг соматик лексикасидаги лакуналарни қуйидаги турларга ажратиб ўрганиш мақсадга мувофиқ: *соматик лакуналар, соматик вербал (феълий) лакуналар, физиономистик лакуналар, соматик колористик лакуналар*.

Соматик лакуналар бу тана аъзоларини ифодаловчи сўзлардаги лакуналардир. Қўл ва оёқнинг мероними бўлган бармоқ учун хитой тилида алоҳида сўзлар қўлланилади. Масалан, 手指 *shǒuzhǐ* – қўлнинг бармоғи, 脚趾 *jiǎozhǐ* – оёқнинг бармоғи. Мазкур сўзлар ўзбек тилида алоҳида атовга эга бўлмагани учун лакунарликни юзага чиқаради. Хитой тилида қўл ва оёқ бармоқларини ифодалаш учун қўлланиладиган *zhǐ* сўзларининг иккаласи бир хил, яъни учинчи оҳанг билан талаффуз қилинса-да, улар фарқли 指 *zhǐ* ва 趾 *zhǐ* иероглифлари билан берилади. Бу тилда қўл ва оёқ тирноқларини ифодалаш учун ҳам алоҳида-алоҳида сўзлардан фойдаланилади: 指甲 *zhǐjiǎ* – қўл тирноғи, 趾甲 *zhǐjiǎ* – оёқ тирноғи. Айрим хитойча-ўзбекча мавзуий луғатларда ҳам бунга аниқлик киритилмаган. Луғатда келтирилган «тирноқ» сўзи 指甲 *zhǐjiǎ* «қўл тирноғи» иероглифи билан берилган. Таржима жараёнида «тирноқ»

²⁷ Тўхтасинов И.М. Таржимон тайёрлашда касбий компетенцияларни эквивалентлик ҳодисаси асосида ривожлантириш: Педаг. фан. д-ри ... дисс. – Тошкент, 2018. – Б. 76.

сўзини кўл ёки оёққа тегишлилигини билдириш зарурияти бўлмаса, бу икки сўзни ўзбек тилига «тирноқ» деб ўгириш мумкин. Масалан:

人家涂红指甲，你也涂红指甲。(冰心。关于女人，23)

Rénjiā tūhóng zhǐjiǎ, nǐ yě tūhóng zhǐjiǎ.

Бошқалар **тирноғи** (кўл тирноғи)ни бўяса, сен ҳам бўя **тирноғингни** (кўл тирноғингни).

Соматик вербал (феълий) лакуналар – тана аъзолари хатти-ҳаракатларини ифодаловчи сўзлардаги лакуналар. О.Суханова феълий лакуналарнинг учта турини ажратиб кўрсатади: умумлаштирувчи, конкретлаштирувчи ва умумлаштирувчи-конкретлаштирувчи. Унга кўра, конкретлаштирувчи феълий лакуналарнинг миқдори қолган феълий лакуналардан анча кўп. Конкретлаштирувчи лакуналар ҳамда конкретлаштирувчи-умумлаштирувчи лакуналарнинг лакунарлик даражаси бу – тур тушунчаларининг луғавий фарқланиш хусусиятига мансуб конкретлаштириш даражасидир²⁸.

Масалан, кўз сомаси билан боғлиқ хитой тили фонидаги ўзбекча-хитойча конкретлаштирувчи феълий лакуналарга қуйидагиларни киритиш мумкин: 瞧 *qiáo* – кўз ташламоқ; 眯 *mī* – кўзини қисиб тикилмоқ; 瞟 *piào* – кўз қирини ташламоқ, зимдан қарамок; 瞻 *zhān* – тўғрига қарамок.

Ўзбек тили фонида эса қуйидаги хитойча соматик лакуналар бор: жавдирамок – 祈求得看 *qíqiú dé kàn*; имламоқ – 打手势叫 *dǎ shǒushì jiào*; чертмоқ – 用指头打 *yòng zhǐtóu dǎ*; ҳақкаламоқ – 单腿跳跳 *dān tuǐ tiào tiào*; шанғилламоқ – 大声喊叫 *dàshēng hǎnjiào*.

Соматик физиономистик лакуналар – инсоннинг ташқи кўринишини ифодаловчи сўзлардаги лакуналар. Сомалар билан бевосита алоқаси бўлмаган, инсон ташқи қиёфасини тасвирловчи воситалар **физиономистик сўзлар** ҳисобланади. Лакуналарнинг ушбу турига мисол тариқасида ўзбек тилидаги *кўса* сўзини келтириш мумкин. Хитой тилида мазкур сўзнинг муқобили мавжуд эмас. Шунга кўра, *кўса* сўзининг «сийрак соқол» (ЎТИЛ, 2, 472) изоҳига таянган ҳолда, уни хитой тилида 没有胡子的 *méiyǒu húzi de* ёки 不留胡子的 *bù liú húzi de* деб бериш мумкин.

Соматик колористик лакуналар – инсон ташқи қиёфаси, тана аъзоларининг ранги билан боғлиқ бўлган колоризмлардаги лакуналар. Ўзбек тилидаги *қизилмағиз* сўзи инсоннинг ташқи қиёфасини тасвирлашда фойдаланиладиган лексик бирликдир. «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да қайд этилишича, мазкур сўз «юзи тўладан келган ва қизил рангли» маъносини англатади²⁹. Хитой тилида айна маънога мос сўз йўқ. Шу боис уни 紫膛色儿皮肤 *zǐ táng sè er pífū* сўз бирикмаси воситасида ифодалаш мумкин.

Юқорида лакунарлик ҳодисасининг икки тилли, кўп тилли луғатларда ўз ифодасини топиши қайд этилган эди. Лекин шундай мулоқот воситалари ҳам

²⁸ Суханова О. Лакунарность глагольной лексики: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – М., 2012. <http://cheloveknauka.com/lakunarnost-glagolnoy-leksiki> .

²⁹ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. 5-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006–2008.– Б. 277.

борки, уларнинг изоҳини ҳеч бир луғатдан топиб бўлмайди. Булар айнан паралингвистик лакуналардир.

Турли лингвомаданиятлар қиёсланганда ўзаро мулоқотдаги аксарият паралингвистик воситаларнинг лакунарлиги кузатилади. Худди вербал лакуналар каби новербал лакуналар ҳам тингловчига тушунарсиз ва ғалати фрагмент бўлиб туюлади. Новербал лакуналарни вербал лакуналар сингари мутлақ ва нисбий лакуналарга ажратиш мумкин. Мутлақ (тўлиқ) лакуналар мазмунан буткул тушунарсиз бўлган ва унинг маъносини чақиб бўлмайдиган новербал хабар фрагментларидир³⁰.

Паралингвистик лакуналарни ҳам 3 гуруҳга бирлаштириш мумкин: *ритуал лакуналар, этикет формаси лакуналари, имо-ишора лакуналари*.

Хитой ва ўзбек лингвомаданиятида сомакинесик лакуналарнинг воқеланишини *мен* ва *биз* кишилиқ олмошлари мисолида кўрсатиш мумкин. Хитойликлар мулоқот жараёнида «мен» тушунчасини ифодалаш учун кўрсаткич бармоғи билан бурнини кўрсатади, ўзбеклар эса қўлини кўксига бир-икки маротаба уриб қўяди. «Биз» тушунчасини кўрсатиш учун эса, хитойликлар кўрсаткич бармоғини ўзидан бошлаб кўрсатиб, ҳавода доира шаклини чизади. Ўзбекларда эса бу тушунчани ифодалаш учун имо-ишора шакли мавжуд эмас.

Хитойликлар ўзи томонга чорлаш маъносида ишора қилганда катталар учун қўлнинг тўрт бармоғини бирлаштириб пастга қарата, кичкина болалар ёки уй ҳайвонларини эса қўлни юқорига қаратиб ўзи томон чорлайдилар³¹. Ўзбекларда эса аксинча, катталарни чорлашда қўл юқорига ёки чап томонга, кичиклар ёки уй ҳайвонларини чорлашда қўлни пастга қарата ўзига томон ишора қилади. Демак, биринчидан, бир хил чорлаш маъносида акс йўналишдаги икки хил ишора қўлланиляпти. Иккинчидан, хитойликлар учун қўлни чап томонга, ўзи томон йўналтириб ишора қилиш ҳаракатининг лакунарлиги кузатилди.

Диссертациянинг «**Лакунарлик ҳодисасига таржимашунослик нуқтаи назаридан ёндашиш**» деб номланган 3-бобида таржима назариясида «лакуна» терминининг талқини, таржимада лексик лакуналар ҳамда фразеологик лакуналарни тўлдириш усуллари таҳлилга тортилган.

Хорижий тадқиқотларда лакунарлик ҳодисасининг таржимада воқеланиши масаласини ўрганиш XX асрнинг 50-йилларида бошланган ва улар тил ва маданият соҳаларига ажралган. 1954 йили икки тил грамматик структурасини қиёслаб ўрганган америкалик тадқиқотчи Ч.Хоккет илк бор «бўшлиқ» тушунчасига дуч келган. 70-йилларнинг бошларида «лакунарлик ҳодисаси» К.Хейл, Л.С.Бархударов ва бошқа олимларнинг ҳам диққатини тортган³². Жаҳон таржимашунослигида Ж.П.Вине, Ж.Дарбелне³³, М.Шаттлворз, М.Кови³⁴ларнинг тадқиқотларида «лакуна» терминидан фойдаланилган.

³⁰ Глушенко Т.С. Феноменология паралингвистической лакунарности в русской и англо-американской лингвокультурах // Лакуны в языке и речи (выпуск 1). – Благовещенск: БГПУ, 2003. – С. 34-35.

³¹ 毕继万. 跨文化非语言交际. – 北京: 外语教学与研究出版社, 1998. 第 32 页.

³² 李艳君. 文化层面词汇空缺的翻译研究. 天津: 天津大学文法学院, 2012.

³³ Vinay J.P., Darbelnet J. Stylistique comparee du francais et de l'anglais. – Paris, 1958.

³⁴ Shuttleworth M. & Cowie M. Dictionary of Translation studies. – London and New York: Routledge, 2014.

Рус таржимашунослигида «лакуна» термини илк бор И.И.Ревзин ва В.Ю.Розенцвейгларнинг асарида қўлланилган³⁵.

Таржимашунос Л.С.Бархударов томонидан эса «тасодифий лакуна» термини илмий муомалага киритилган³⁶. Шунинг таъкидлаш жоизки, таржимада номуқобилликнинг юзага чиқишида лакунага нисбатан «тасодифий» маркери жуда ўринли қўлланилган. Чунки лисоний ҳодисалар орасида лакунарлик ҳодисаси воқеланишининг омилларини аниқлаш кўп ҳолларда имконсиз.

Ўзбек таржимашунослигига «лакуна» термини илк бор Ш.Усманова томонидан киритилган. Олиманинг қатор ишларида³⁷ «лакуна» тушунчаси, лакуналарнинг турлари ва уларни таржимада бартараф этиш йўллари атрофлича ўрганилган.

Хитой таржимашунослигида лисоний ва маданий лакуналар қоришиқ тарзда ўрганилганлиги маълум бўлди. Таржимашуносликда «лакуна» ҳамда «реалия» алоҳида тушунчалар сифатида фарқланади ва қўлланади. Лакунага тиллар қиёсида «бир тилдаги тушунча иккинчи тилда ўз номинатив бирлигига эга бўлмаган ҳолатда бўшлиқнинг юзага келиши» деб таъриф берилган. Демак, тушунча ҳам, сўз ҳам мавжуд бўлмаган вазиятда реалия юзага келади. Аксинча, тушунча мавжуд, бироқ унинг лексик шакли мавжуд бўлмаган ҳолатда лакунарлик намоён бўлади. Айни тарзда фарқлаш реалия ва лакунанинг моҳиятан бошқа-бошқа ҳодисалар эканлигини исботлайди.

Изданишлар натижаси ўлароқ, хитой ва ўзбек тилларида лексик лакунарликни бартараф этишда таржиманинг трансформациявий ва контекстуал таржима усулларида, хусусан, лексик трансформациянинг калькаш, генерализация, конкретизация, экспликация, аналогия ҳамда грамматик трансформациянинг грамматик алмаштириш, синтактик адаптациявий таржима, тушириб қолдириш (лакунар бирликни) каби усулларида кенг фойдаланилиши аниқланди.

Баджаҳл бўлиб ака-укалардан биронтамизни чертган эмас.

虽然他很严厉但一次也没打过我们。(Хошимов Ў. Дунёнинг ишлари. 生活琐事, 97, 101).

Suīrán tā hěn yánlì dàn yīcì yě méi dǎguò wǒmen.

